

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ЎҚИТУВЧИ
ИЖТИМОИЙ ИНТЕЛЛЕКТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Фарғона давлат университети
Ғаниева Ҳ*

*Психология кафедраси доценти.
Сиддикова Барно
1 курс магистратура талабаси*

Аннотация : Ушбу мақолада интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда ўқитувчи ижтимоий интеллектининг аҳамияти, унинг касбий фаолиятга тайёрлиги, ўқитувчининг шахсий-касбий камолоти, шахсий фазилатлари, интеллектуал имкониятлари ва унинг ижтимоий-психологик омилларга боғлиқлиги назарий ва эмперик таҳлил этилган.

Калит суз ва иборалар: Ўқитувчи, интеллект, касбий фаолият, педагогик маҳорат, М.И.Бобнева, ижтимоий интеллект, Д.Карнеги.

Янги авлодни вояга етказиш, жамият талабларига жавоб берадиган, унинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажаришга кўмаклашадиган фуқаролар шахсини шакллантириш ҳар бир тузумнинг энг олий мақсади бўлиб келган. Республикаизда босқичма-босқич инсон шахсини шакллантириш тизимининг такомиллаштириб борилаётганлиги ҳам шу фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир.

Ўқитувчининг касбий фаолиятга тайёрлиги унинг шахсий-касбий камолоти, шахсий фазилатлари, интеллектуал имкониятлари ва унинг ижтимоий-психологик омилларга боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий таълим жараёнида ўқитувчи шахси тимсолига юқори ақл-заковатли, шахсида инсоний фазилатларни мужассамлаштирган, шогирдларига наъмуна бўладиган тимсол тушунилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek: —Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қиласди. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ.

Ўқитувчининг билимдон, ўз соҳасини чуқур билиши, педагогик маҳоратга эга бўлиши, таълим олувчига таъсир кўрсата олишини белгиловчи етакчи ҳусусият ва омилларнинг ўрни кўпинча эътибордан четда қолиб кетаётгандек. Чунки, ўқитувчи ўз соҳасини яхши билсада, аммо ўқувчига таъсир ўтказа олмаслиги мумкин, бинобарин, талабага шахс сифатида таъсир кўрсата олмас экан, таълим жараёнида ижобий муҳитни таъминлашни кафолатлай олмайди. Бу эса ўз навбатида олий таълим

талабаси шахси шаклланишида ўқитувчи тимсолининг таъсири йўқолишига олиб келади. Ушбу ўринда ўқитувчининг талаба шахсига таъсирини белгиловчи омиллар сирасига кирувчи психологик жабҳа борки, бу шахслараро муносабатни, инсонлар ўртасида эркин ва самимий муносабат мұхитини, ўртоқлари, иш ўрни, ҳамкаслари ва атрофдаги бошқа инсонлар билан муваффақиятли мұомала мұхитини яратишга хизмат қылувчи ижтимоий интеллектнинг даражаси мұхим деган холосага олиб келади.

Ижтимоий психология намоёндаларидан бири М.И.Бобнева инсондаги ижтимоий интеллектни ўрганиб, у ижтимоий интеллект - бу инсоннинг ижтимоий ривожланишидир,-деб тушунтиради. Унинг фикрича: —Инсоннинг бир бутун вужудга келишини фақатгина ижтимоийлашув таъминлайди. Ижтимоийлашув - бу инсоннинг у ёки бу ижтимоий гурӯҳ ёки жамиятга қўшилишини белгилайди. Оила жамиятдаги бир кичик гурӯҳ ҳисобланади. Боланинг шахс бўлиб шаклланиши ўша гурӯҳ аъзолариникидай бўлади. Бошқача қилиб айтганда шу гурӯҳ аъзоларида мавжуд бўлган қобилият ва ҳусусиятга эга бўлиши керак. Шундай қилиб шахсни ижтимоийлашуви ва индивидуал ижтимоий ривожланиши жуда қийин жараён бўлиб, бунда шахс вужудга келади, яъни ижтимоий ривожланади. Боланинг ижтимоийлашувида оила билан бирга таълим муассасаларининг роли жуда катта. Айниқса, ўқитувчи ва мураббийлардан катта масъулият талаб эътилади. Америкалик буюк инсоншунос тадқиқотчи Д.Карнегининг аниқлашича инсон эҳтиёжлари ичida әнг мұхимларидан бири бу ҳар бир одамнинг ҳаётда мұхим ахамиятга эга эканлигини хис қилиш эҳтиёжи экан. Бу эса ижтимоий муносабатлар жараёнида намоён бўлади.

М.И.Бобнева шахснинг вужудга келишида мұхим эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Бу ижтимоий тажрибага мухтожликдир. Бу мухтожлик фавқулотда вазиятларда йўл топиши мумкин. Педагоглар бундай тажрибага эга бўлиши ва фавқулотда вазиятларга доимо тайёр бўлмоғи лозим. Бунинг учун улардан юқори ижтимоий интеллектга эга бўлиш талаб этилади.

Ижтимоий интеллект –ижтимоий доирага боғлиқ бўлган мұхим алоқаларни тушуниб олиш қобилиятидир, яъни ижтимоий муносабатлар жараёнидаги ақл-идроқдир. Бу ижтимоий ҳамкорликда, мuloқot доирасида ва ижтимоий доирада фаолият жараёнида вужудга келади.

Абу Наср Фаробий боланинг ақлий тарбиясига, унинг билимли ва маърифатли бўлишига жуда катта эътибор беради, шу билан унинг фикрини соҳта —Илмлардан сақлаш зарурлигини таъкидлайди. Лекин Фаробий —Ақлли бўлишни фақат ақлий тарбия, билимдонлик билангина чегаралаб қўймайди. Фаробий талқинича, —Ақллилик инсоннинг бутун фаолиятини – уни билими, аҳлоқи, одоби, ҳаракатлари, қиласиган амаллари мажмұаси билан ўлчанади, яъни ақллилик барча фазилатларнинг бир бутун, яхлит ҳолда мақсадга мувофиқлигидир. Бу инсондаги ижтимоий интеллектни бегилайди.

Бизнинг ижтимоий интеллектга доир назарий манбаларни ўрганишимиз ушбу тадқиқотимизда ОТМ ўқитувчиларининг ижтимоий интеллектини уларнинг касбий камолоти жараёнига боғлиқлигини яна бир жабҳадан ёритишга үндади. Бу ижтимоий интеллект тушунчасининг —қондоши бўлган эмоционал интеллектни ўқитувчилар мисолида ўзаро алоқадорликда талқин этишга уринишдир. Эмоционал интеллектни ўрганиш учун Н.Холлнинг —Эмоционал интеллектни ўрганиш тестини татбиқ этдик. Тест натижаларига тўхталиб, сўнгра уни ижтимоий интеллект билан ўзаро алоқадорликда ўрганишга харакат қилдик. Агар эмоционал интеллектнинг табиатига эътибор қаратилса, унинг ижтимоий интеллектни тўлдирадиган томони борлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

ОТМ ўқитувчиларининг эмоционал интеллектини татбиқ этилган тестнинг бешта шкаласига таяниб амалга оширамиз.

Ижтимоий интеллект эмоционал интеллектнинг —ўз-ўзини рағбатлантириш сифати билан ўзаро алоқадорликда ривожланмаган. Аслида улар ўртасида ўзаро ҳамоҳанг ривожланиш таъминланганда педагогик фаолият учун анча ижобий бўлар эди.

ОТМ ўқитувчиларининг —новербал хулқ-авторни тушуниш қобилиятининг ўсиб бориши айни пайтда —эмоционал билимдонлик (0,356), __эмпатия (0,369), —ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш (0,347) билан мувофиқ шаклланаётганлиги ижобий ҳолдир. Улардаги вербал экспрессияга қобилиятиллилар ҳам —эмоционал билимдонлик (0,380), —ўз эмоциясини бошқариш (0,387), __эмпатия (0,369), —ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш (0,347) қобилияtlари билан уйғунлашгандир. Шунингдек, —шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш қобилияти ҳам —эмоционал билимдонлик (0,445), —ўз эмоциясини бошқариш (0,363), __эмпатия (0,524), "ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш (0,349) қобилияtlари билан ўзаро мос равишда ривожланган.

Тадқиқотимизда ОТМ ўқитувчиларининг ижтимоий интеллекти билан эмоционал интеллекти ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларида эмоционал интеллектнинг —ўз-ўзини рағбатлантириш компоненти билан боғланиш ҳосил қилмади. Ўқитувчиларнинг ижтимоий интеллекти билан эмоционал интеллекти ўртасидаги мутаносиблик уларнинг шахслараро муносабатларда хиссий барқарор бўлишларини, хукмронликка интилмасликлари ва руҳий толиқиш, қўзғалиш ва зўриқишлиарни камайтиришни таъминлаши аниқланди.

Бизнинг ОТМ ўқитувчилари касбий камолотида ижтимоий интеллектнинг роли ва аҳамиятини ўрганиш бўйича тадқиқотларимиз муаммони ёритишнинг бир поғонаси эканлигига гувоҳ бўлдик. Бу эса ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқот натижалари таҳлили юзасидан бир қатор ҳулоса ва тавсияларни ишлаб чиқишига имкон берди:

1. Сұхбат жараёнида сұхбатдошнинг ҳиссиёти, үнинг кечинмаларини тушушишга қийналиш ҳолатлари безовта қылған шароитларда биринчи галда күзатувчанлик ҳусусиятини шакллантириш мақсадға мұвоғиқ. Бунинг үчүн педагог кинофильмларни томоша қилиб, үнинг қаҳрамонлари тұғрисидаги тавсифини бошқа томошабинлар билан солишириш орқали эришиши мүмкін.

2. Новербал ҳулқ-атвор ва хатти-харакатларни баҳолаш үчүн ҳам худди шу сингари фаолиятни амалға ошириш ва фильмни овозсиз томоша килиб, қаҳрамоннинг хатти-харакатини баҳолаш мүхимдир.

3. ОТМда амалиётчи психологик, педагогик жамоадаги ўқитувчилар үртасида мұлоқотмандлық, шахснинг экспрессив ва новербал хатти-харакатлари, мұомала жараёнида ўз фикрларини назорат қилиш ва сұхбатдошни тинглашга доир ижтимоий тренинглар ташкил этиши мақсадға мұвоғиқ.

Ўқитувчилар үчүн ижтимоий малакалар, ижтимоий перцепция ва сұхбатдошга таъсир күрсатиш ҳамда бошқаришга доир психологик маърифат машғұлолтарини ташкил этиш мүхимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. -224 б.
2. Айзенк Г.Ю. Понятие и определение интеллекта. Вопросы психологии. М., 1995.-№1.-С. 111-129.
3. Аминов Н.А. Социальный интеллект и социальная компетенция в подготовке социальных работников (факторные модели Дж. Гилфорда и Г. Марлоу). Социальная работа Ред. И.А. Зимняя. Вып.5. -М., 1992. -С.37-
3. Ganieva, N. (2021). Social And Psychological Mechanisms Of Self-consciousness Of Students. European Scholar Journal, 2(4), 190-193.
4. Akhmatkhonovna, G.K. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GENIOLOGY ASSIGNMENT IN YOUNG PEOPLE. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 335-337.
5. Akhmatkhonovna, G.K., & Jamshid, T. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SUICIDAL BEHAVIOR OF MINORS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 1053-1058.
6. Абдукаrimова, Н.У., Ганиева, Х.А., Сафарова, Г.М., & Муйдинова, Ѓ.Г. (2020). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИМФОИДНЫХ УЗЕЛКОВ (ПЕЙЕРОВЫХ БЛЯШЕК) ТОНКОЙ КИШКИ В ОНТОГЕНЕЗЕ. Universum: медицина и фармакология, (2-3), 20-25.

7. Абдукаримова, Н.У., Ганиева, Х.А., Сафарова, Г.М., & Муйдинова, Ё.Г. (2020). Морфометрическая характеристика лимфоидных узелков (пейеровых бляшек) тонкой кишки в онтогенезе. Universum: медицина и фармакология, (2-3 (66)), 4-4.
8. Ахматхоновна, F.X., Тојимаматов, Ж., & Ўзбекистон, Ё.Я. (2021). янги Ренессанс бунёдкорлари. Ёшлар—янги Ўзбекистон, янги ренесанс бунёдкорлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари, 321-323.
9. Ахматхоновна, F.X. (2021). Талаба ёшларнинг ўз-ўзини англашини ижтимоий психологик механизмлари. ЎзМУ ХАБАРЛАРИ, 46-49.
10. Akhmadkhonovna, K.G., Rustamovna, A. A., & Saydolimovna, Z. D. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. International Journal of Early Childhood Special Education, 14(3).
11. Ganieva, K.A. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 607-613.
12. Ahmadjonov, N. (2023). KICHIK MAKTAB YOSHIGAGI O 'QUVCHILARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5), 166-172.
13. Ahmadjonov, N. (2023). KICHIK MAKTAB YOSHIGAGI O 'QUVCHILARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5), 166-172.
14. Ganieva, K.A. (2022). PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 607-613.
15. Фаниева, Х.А., & Закирова, Д. С. (2022). ЎСМИРЛАРДА ХАРАКТЕР АКЦЕНТУАЦИЯСИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(4), 548-553.
16. Ахматхоновна, F.X. (2022). ШАХС ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(5), 89-95.
17. Ganieva, K. Iqboljon O'g'li, TJ (2022). Social psychological characteristics of the dysfunctional family. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(7), 71-75.
18. G'Aniyeva, X., & Tojimamatov, J. (2022). TALABA YOSHLARNING OILADA FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI ZAMONAVIY TUSHUNCHALARINING PSIXOLOGIK TAHЛИ. Science and innovation, 1(B7), 517-523.
19. Ganieva, K., & Tojimamatov, J. (2020). THE ATTITUDE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF MENTAL HEALTH OF PERSON. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 87-89).

-
20. G'Aniyeva, X.A., & Qambarova, M.A. Q. (2023). INTELLEKTUAL SALOHIYATLI YOSHLARNI TARBIYALASHDA O 'QITUVCHI IJTIMOIY INTELLEKTINING AHAMIYATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(3), 449-454.
21. Axmatxonovna, G.A. X., & Iqboljon o'g'li, T.J. (2022). TALABA YOSHLARNING OILADA FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI ZAMONAVIY TUSHUNCHALARINING PSIXOLOGIK TAHLILI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSİYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 600-606.